

Тошкент ислом институтига ректор тайинланди



17:58 / 06 декабрь 451

Бугун, 6 декабрь кунИ Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти педагоглар жамоасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилиб, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ғафуров Уйғун Тўлқинович Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори лавозимига тайинлангани эълон қилинди.

Ушбу институти ректори вазифасида ишлаган профессор Муҳаммадсиддиқов Муҳаммадолим Муҳаммадросиқ ўғли Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг Ёшлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимидаги фаолиятини давом эттиради.

Аллоҳ таолодан Уйғун Ғафуровга масъулиятли ва шарафли ишда муваффақият тилаймиз.